

Тафтиш инстанциясида
маърузачи судья: [REDACTED]

Биринчи инстанция судининг
судьяси: [REDACTED]

Апелляция инстанция судининг
судьяси: [REDACTED]

[REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
[REDACTED]-СОНЛИ
АЖРИМИ

202[REDACTED] йил [REDACTED] ойининг “[REDACTED]” куни, [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида ва Ўзбекистон Республикаси ИИВга қарашли [REDACTED] ва [REDACTED]-сонли жазони ижро этиш колониялари ва жиноят ишлари бўйича [REDACTED] суди биноларида ўрнатилган видео-конференция алоқа тизими орқали очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати [REDACTED] [REDACTED], ҳайъат судьялари [REDACTED] ва [REDACTED] лардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан: [REDACTED] вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED], судланганлар [REDACTED] ва [REDACTED] лар ҳамда уларнинг ҳимоячиси Гулистон шаҳридаги “[REDACTED]” адвокатлик ҳайъати адвокати [REDACTED] нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг [REDACTED] ҳукмига кўра:

[REDACTED] 19 [REDACTED] йил [REDACTED] да [REDACTED] вилояти, [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] -уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “қамоққа олиш” қўлланилган.

[REDACTED], [REDACTED] да туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ишсиз, устачилик билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, [REDACTED] -уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “қамоққа олиш” қўлланилганга.

нисбатан чиқарилган суд қарорларидан норози бўлиб, маҳкум [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг адвокати [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятлари асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Хужжат имзоланган: Эргашев Алишер Зайнуллаевич, 13.03.2024



АНИҚЛАДИ:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг [REDACTED]

[REDACTED] даги ҳукмига кўра:

- [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е, к” бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан ушбу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилиши белгиланган.

- [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е, к” бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан ушбу модда билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттирилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 30 январдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича [REDACTED]

[REDACTED] ларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] ва [REDACTED] қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

Жумладан, [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2023 йил 12 июнь куни соат 23:50 да жамоат жойи ҳисобланган Янгиер шаҳри, Маърифат маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Сайқал” номли умумий овқатланиш жойида спирти ичимлик истеъмол қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, умумий овқатланиш жойида “официант” бўлиб ишловчи [REDACTED] мусиқа қўйишини айтиб, уни ҳеч бир сабабсиз ҳақорат қилишиб, келиб чиққан жанжал натижасида [REDACTED] қўли билан [REDACTED] уриб, судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 14 июндаги 430-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг [REDACTED]

мия лат ейиши оғир даражаси, бош энса суяги синиши, бош мияга қон қуйилиши, бош энса соҳаси эзилган яраси, бош пешона, чакка соҳалари ўнг ва чап томонларининг юмшоқ тўқималари лат ейиши каби жароҳатлари мавжудлиги, ушбу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида, зарб натижасида етказилган бўлиши инкор этилмаслиги, бундай жароҳатлар бевосита хавф туғдирганлиги сабабли ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳати деб баҳоланиши кўрсатилган.

Судланган [REDACTED] ва адвокат [REDACTED] шикоятларида,

[REDACTED] ринчи босқич судининг ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримлари олатсиз эканлиги, [REDACTED] ўтган судларда айбига қисман



иқрорлик билдириб, жабрланувчи [REDACTED] умуман урмаганлиги, у билан фақатгина тортишиб қолганлигини тан олганлиги, жабрланувчидан узр сўраганлиги, даъвоси йўқлиги ҳақида важлар келтириб, суд қарорларини ўзгартириб, [REDACTED] нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш сўралган.

Судланган [REDACTED] ва адвокат [REDACTED] шикоятларида, [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги ҳамда жабрланувчи [REDACTED] ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинмаганлиги ҳақида важлар келтириб, суд қарорларини ўзгартириб, [REDACTED] нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлаш сўралган.

Жабрланувчи [REDACTED] шикоятида, судланганлар [REDACTED] ва [REDACTED] нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, судланганлар ундан кечирим сўраганлиги ва уларни кечирганлиги тўғрисида важлар келтириб, судланганлар [REDACTED] ва [REDACTED] оид суд қарорларини ўзгартириб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ва қамоқдан озод қилиш сўралган.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, маҳкум [REDACTED] ва [REDACTED] ҳамда уларнинг ҳимоячиси-адвокат [REDACTED] шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги, шунингдек жабрланувчи [REDACTED] шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги, прокурор [REDACTED] суд қарорларини ўзгартиришсиз, шикоятларни рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, маҳкумларнинг охириги сўзларини эшитиб, тафтиш шикоятида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қўйидаги асосларга кўра, ҳукми ўзгартиришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Тафтиш инстанцияси суди, маҳкум [REDACTED] ва [REDACTED] айблари, уларнинг биринчи инстанция судидаги ўз айбларига қисман (тўлиқ) иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, биринчи босқич судида сўроқ қилинган гувоҳлар [REDACTED] кўрсатувлари, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, тушунтириш хатлари, жабрланувчи [REDACTED] аризаси, гумон қилинувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган видеотасвирлар, фотосуратлар, судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич судининг ҳукмида ифодаланган барча хулосалар асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича



исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилган.

Судланган [REDACTED] ва адвокат [REDACTED] тафтиш тартибида келтирган шикоятларидаги, [REDACTED] ўтган судларда айбига қисман иқрорлик билдириб, жабрланувчи [REDACTED] умуман урмаганлиги, у билан фақатгина тортишиб қолганлигини тан олганлиги, ушбу модда билан асосиз жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги вазлар билан келишмайди.

Жумладан, жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишига қўшилган Янгиер шаҳридаги “Сайқал” кафесининг воқеа содир бўлган куни судланувчилар ва жабрланувчи ўтирган кафенинг залидаги видеокузатув мосламаси орқали ёзиб олинган видеотасвирдан кўринишича, дастлаб [REDACTED] кафе хизматчилари ўтирган жойга бориб, ундан мусиқа қўйиб беришни талаб қилганида у кафеда ишламаслигини маълум қилсада, уни ҳақоратлаб, яна мусиқа қўйиб беришни талаб қилиб, баланд овозда бақриб, уятли сўзлаб билан сўкаётган вақтда шу ерга О.Хайдаров ҳам келиб, мусиқа қўйиб беришни талаб қилиб, хизматчи ўтирадиган тўсиқни ичидан жабрланувчи [REDACTED] бошини қўли билан ўзига тортиб, сўнгра итариб юборган, [REDACTED] мусиқани қўймаганидан сўнг [REDACTED] кафе хизматчиси ўтирган, тўсиқ билан ўралган жойдан унга нисбатан куч ишлатиб, қўлидан ушлаб, у ердан кафенинг зал қисмига олиб чиқиб, қўлларини қайириб, уни ҳақорлаганидан сўнг, у ташқарига чиқмоқчи бўлганида [REDACTED] унинг йўлини тўсиб, шу ерда уни қўли билан уриб тан жароҳати етказган.

Видеоёзувдан кўринишича, воқеа содир бўлган [REDACTED] ва [REDACTED] бир мақсадда ҳаракат қилиб, яна иккалалари ҳам жабрланувчидан мусиқа қўйиб беришни талаб қилганидан сўнг уларнинг бу ҳаракати жабрланувчига ёқмасдан бинодан чиқиб кетаётган вақтда [REDACTED] унинг йўлини тўсиб, унга қасддан тан жароҳати етказиш мақсадида унинг олдига чиққан, [REDACTED] ажратмоқчи бўлгани ҳақидаги важи ҳам ишончга сазовор эмас, аксинча бинодан чиқиб кетаётган [REDACTED] яна ҳақоратлаб ортидан югуриб, [REDACTED] уни ураётган вақтда жабрланувчини тўхтатиш учун бақирганлиги кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарорининг 16-бандида “Баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди билан квалификация қилиниши лозим.

Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда [REDACTED] ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бироқ, баданга шикаст



улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршилигини бостирса, айти пайтда бошқаси унга жароҳат етказди). Баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир этилиш жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши керак” – деб тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга кўра, тафтиш инстанцияси судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] қасддан тан жароҳати етказиш хусусида олдиндан тил бириктиб, бир гуруҳ бўлиб, шу мақсадда [REDACTED] жиний ҳаракатни бошлаб, сўнгра унинг ортидан бораётганида [REDACTED] унинг йўлига чиқиб қўли билан бошига урганлиги, бу ҳолат эса уларнинг бир манфаат остида ҳаракатланаётганлигидан далолат беради деб ҳисоблайди.

Тафтиш инстанцияси, юқорида баён қилинганларни ҳамда судда сўралган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувлари, ишда тўпланган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотоиловалари, видеотасвирларни далилий ашё тариқасида олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловаларни инобатга олиб, судланувчилар ва ҳимоячининг келтирилган важларини танқидий баҳолаб, рад этиб, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е, к” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Тафтиш инстанцияси, суд томонидан [REDACTED] ва [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, [REDACTED] нисбатан унинг содир этилган жиноятдаги иштироки даражасидан келиб чиқиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроқ миқдорда ҳамда [REDACTED] нисбатан ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдори тайинлаб, содир қилган қилмишларига яраша адолатли жазо тайинлаган деб ҳисоблайди.

Чунки, иш ҳолатига қараганда, судланганлар [REDACTED] ва [REDACTED] қилмишларни содир этиш усули ва сабабларини эътиборга олиб, яъни 2023 йил 12 июнь куни соат кечки 23:50ларда маст ҳолда жамоат жойи ҳисобланган умумий овқатланиш жойида, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, умумий овқатланиш жойида “официант” бўлиб ишловчи жабрланувчини ҳеч бир сабабсиз ҳақорат қилиб, бир гуруҳ шахс бўлиб, безорилик оқибатида жабрланувчига “ҳаёт учун хавфли оғир” тан жароҳати етказганлиги каби жамият учун хавфли ҳаракатларини эътиборга олиб, яъни содир этилган



жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятидан келиб чиқиб, қилмишларига яраша жазо тайинланган.

Ижтимоий хавфлилик хусусиятига кўра оғир жиноят содир этган [REDACTED] ва [REDACTED] нисбатан чиқарилган суднинг қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиб, суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 510, 521-1-521-6-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] ва [REDACTED] ларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича [REDACTED] ҳукми ҳамда [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг [REDACTED] даги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятлар қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: (имзо) [REDACTED]

Ҳайъат судьялари: (имзо) [REDACTED]

(имзо) [REDACTED]

“нусхаси аслига тўғри”

Вилоят судининг судьяси [REDACTED]

